

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди
№ МО 10-40
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2020 йил “7” декабрь даги
648 - сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

“Тарих”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

*Қайта тайёrlаши ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2020 йил 30-октябрдаги 6 - сонли баённомаси билан маъқулланган.*

- Тузувчилар:** “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш” модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов, т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули: и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н., доц. М.Дехканова “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова, Э.С.Хакназаров. “Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева, У.Гиясова, Ш.Файзуллаева, Ф.Т.Ерназаров. “Мутахассислик фанлари” модули: т.ф.н., доц. Д.Ж.Ураков, т.ф.н., доц. Р.Н.Турсунов, т.ф.ф.д., (PhD). Б.Б.Хайназаров, т.ф.ф.д., (PhD). О.В.Маҳмудов.

- Тақризчилар:** ЎзРФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т.ф.д., проф., академик Д.Ю.Юсупова. Хорижий эксперт: СИУ РАНХиГС (Россия), Халқаро муносабатлар ва ижтимоий ҳамкорлик кафедраси мудири, т.ф.д, профессор В.В.Демидов. Кёнпук миллий университети (Жанубий Корея), Ипак йўли илмий тадқиқот институти профессори Парк Чеун-соо.

Ўқув дастури Ўзбекистон Миллий университети Кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия қилинган (2020 йил _____ даги - сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.
- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

III. Мутахассислик фанлари

- 3.1. Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихи.
- 3.2. Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари.
- 3.3. Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр.
- 3.4. Халқаро муносабатлар тарихининг долзарб масалалари.

IV. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курснинг мақсади педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** га кўйидагилар киради:

- “Тарих” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Тарих” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- тарих фанлари бўйича замонавий хорижий тадқиқот марказларида олиб бораётган изланишлар ва уларнинг натижаларини;
- “Шарқ Уйғониш даври”, Ғарб Ренессанси ва унинг босқичларини;
- илмий-техника тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини;
- давлатчилик анъаналарининг юзага келиши, жаҳон давлатларнинг даврлар бўйича ўзига хослигини;
- хорижий давлатларида тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр тарихи фанлари бўйича дарслеклари, ўқув қўлланмалари структураси;
- Жаҳонда ва Республикализнинг “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” тарихи фанининг ривожи ҳақида;
- жаҳон цивилизациясининг мукаммал, ривожланиб бориш жараёнлари, тарих фанининг алоҳида фан мавқеига эга бўлиши;
- классик ва ҳозирги даврдаги тарих фанининг долзарб муаммолари ва улар борасида илгари сурилган қарашлар мазмуни;
- Европа Шарқ олимлари, файласуфларнинг тарихий назариялари ва улар ҳамда табиблар тўғрисидаги асосий маълумотларни;
- Халқаро муносабатлар тарихининг долзарб муаммолари фанини ўқитишини ташкил қилишнинг хорижий тажрибалар;
- халқаро муносабатлар бўйича назариялар, уларни амалда қўлланилиши ва замонавий муаммоларни тахлил этишдаги назарий — услугубий ёндашувлар.

- сўнгги йилларда замонавий халқаро муносабатлар тарихисоҳасидаги ютуклар ва истиқболлар каби масалаларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- тарих фанини ўқитиш бўйича янги технологияларни амалиётда қўллаш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
- тарихий жараёнларни тўғри англаш, таҳлил қилиш ва хуносалар чиқариш;
- илмий мақолалар тайёрлаш ҳамда тавсияларини ишлаб чиқиш;
- инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- илфор тажрибалардан фойдаланиш;
- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тарихий тадқиқотларда жаҳон халқларининг цивилизацион тараққиёт давомида эришган ютукларини таълим жараёнида қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини билиш;
- тарих фанлари бўйича эришилган илмий натижаларни турли соҳаларга татбиқ қилиш;
- классик ва ҳозирги даврдаги тарих фанининг долзарб муаммолари, Европа Шарқ олимлари, тарихий назарияларини мукаммал ўрганиши;
- фан бўйича эгаллаган билимларини таҳлил қилиш; давлатчилик тарихи соҳасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган тарихий тажрибани илмий ва педагогик амалиётда самарали қўллаш;
- “Жаҳон цивилизацияси” фанидан тингловчиларнинг ҳар бир тарихий даврда тарихий тадқиқотлар кўлами, ҳар бир даврнинг ўз долзарб муаммосини тадқиқотлари ва соҳа бўйича замонавий усуулларини қўллаш **малакаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тарих фанларини ўқитишда фойдаланиладиган замонавий технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- тарих фанининг хориж ва республика миқёсидаги долзарб муаммолари, ечимлари ва жараёнлари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;

- Жаҳон цивилизациясининг мукаммал, ривожланиб бориш жараёнлари, Европа Шарқ олимлари, файласуфларнинг тарихий назарияларини мукаммал ўрганиши;
- фан бўйича эгаллаган билимларини таҳлил қилиш; цивилизация соҳасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган тарихий тажрибани илмий ва педагогик амалиётда самарали қўллаш малакаларига эга бўлиши;
- давлатчилик тарихини ўрганишга оид фанларни ўқитишида қўллай олиши;
- креатив ёндашув Жаҳон цивилизациялари тарихига оид фанларни ўқитишида қўллай олиши;
- халқаро муносабатлар тарихининг долзарб муаммоларининг, ривожланиб бориш жараёнлари ва долзарб муаммолари оид масалаларни тарих фанларини ўқитишида қўллана олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажralмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ТАРИХ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР

1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмунни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиши. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимида оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фандастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмунни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион

фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш объектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (войиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуслари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникиси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

2.2. Maxsus maқсадларга йўналтирилган инглиз тили.

Maxsus maқсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиш) кўнимкамларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўнимкамларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўнимкамларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оиласвий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ

3.1. Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихи

Фаннинг ривожланиши. Қадимги Шарқ мамлакатларида дастлабки илмий билимларнинг шаклланиши ва тараққиёти. Қадимги Шарқ мамлакатларида дастлабки илмий билимларнинг шаклланиши ва тараққиёти.

Қадимги Юнонистон ва Римда табиий ва аниқ фанлар ривожи. Рим илмий дунёқарашининг асосий намоёндалари. Астрономия ва қишлоқ хўжалиги, жўғрофия ва техникага оид билимлари.

Антик давр грек ва рим муаллифлари асарларининг араб тилига таржима этилиши. Антик давр олимлари. Геродотнинг “Тарих” китоби ва унинг қадимги дунё тарихини ўрганишдаги аҳамияти. Мусулмон Уйғониш даврининг ўзига хос ҳусусиятлари.

Илк ўрта асрларда Европада фаннинг аҳволи. Илк ўрта асрларда Европада фаннинг аҳволи. Фарб Ренессанси ва унинг босқичлари. XII асрда Европада дастлабки университетларнинг пайдо бўлиши. Болонье, Париж, Оксфорд, Прага, Krakow университетлари.

Илмий-техника тараққиётининг ўзига хос ҳусусиятлари. География ва картография соҳаларини фан сифатида эътироф этилиши. Буғ машиналарининг ихтиро қилиниши ва унинг аҳамияти. XIX асрда фан ва техниканинг ягона тизимга айланиши. Андроид технологиялар. Тарихий тадқиқотларда GPS ва GIS технологияларининг ўрни. Нанотехнологиялар.

XX асрда фан ва техниканинг ягона тизимга айланиши. XXI асрдаги муҳим илмий кашфиётлар. Интернет ва унинг фан оламига кириб келиши.

3.2. Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари

Цивилизация терминининг XVIII-XIX асрда Европа илмига кириб бориши. Ҳозирги замон фанида “цивилизация” тушунчаси. Цивилизациянинг босқичли назариялари. Цивилизация ва маданият тушунчаси таҳлили. Цивилизациялар ўртасидаги ягона маданият долзарб масалалари, ўзига хослик, хилма-хилликнинг ўзаро боғлиқлиги.

Қадимги Месопотомиянинг аҳолиси. Шумер муаммоси. Қадимги Миср маданияти. Миср гироглифлари. Илмий билимлар. Қадимги Месопотомия маданияти. Цивилизациялар тизимида Миср. Қадимги Миср жамиятнинг сиёсий тизими муаммолари. Месопотомия цивилизациясининг сиёсий назарияси ва амалиёти, Ҳарбий иш, ҳуқуқ соҳасидаги мероси долзарб жиҳатлари.

Милоддан аввалги III-II минг йилликларда Ҳиндистон цивилизацияси. Хитой цивилизацияси. Қадимги Хитой ва Ҳиндистон цивилизациясининг ўзига хос ҳусусиятлари, пайдо бўлишининг шарт-шароитлари. Хитойда фан ва маданият. Давлат тузилиш тизими ва эътиқодлари. Хитой цивилизациясининг ўзига хос ҳусусиятлари. Мохинжадаро ва Хараппа маданиятлари. Шимолий Ҳиндистонда давлатларнинг вужудга келиши муаммолари. “Будда даври” Қадимги Ҳиндистоннинг маданий ривожланишининг асосий белгилари.

Қадимги Юнонистон цивилизациясида Крит-микен маданияти. Ахей маданияти. Қадимги Крит ва Микен жамияти. Эллада маданияти. Илмий билимлар ва дин ривожи.

Морган системасида цивилизация. М.Вебер, О. Шпенглер, А.Тойнби, Ф.Бродель, К. Ясперс, П.Сорокин, С.Хантингтон назариялари. Ҳиндистон маданиятининг анъанавийлиги долзарб жиҳатлари. Ахей маданияти.

Дорийлар. Буюк юонон мустамлакачилиги. Қадимги даврда Рим жамияти. Патриций ва плебейлар. Рим фуқаролик жамияти. Рим салтанатининг ташкил топиши. Салтанат: цивилизациясининг гуллаб яшнаши ва заифлашуви муаммолари. Рим хуқуқи. Рим цивилизацияси қулашининг сабаблари

3.3. Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр

Қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиш омиллари ва назариялари. Қадимги давлатчиликнинг пайдо бўлиш омиллари ва назариялари. Қадимги Шарқда бошқарув тизимини ривожланиши. Шаҳар-давлатларнинг ташкил топишининг асосий босқичлари. Шарқ давлатчилигининг ўзига хос хусусиятлари. Қадимги Миср, Месопотамия, Хиндистон ва Хитойда инсон ва хукумат. Шарқ давлатларининг регионал фарқлари илмий таҳлилга эҳтиёжи.

Илк ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув ва Ривожланган ўрта асрларда давлатчилик тараққиёти. Франк давлати. Каролинглар давлатида феодал муносабатлар асосининг шаклланиши. Византия империяси ва унинг давлат бошқарув соҳасидаги ўзига хос жиҳатлари. Илк ўрта асрларда Хитой ва Хиндистонда давлат бошқарув шакллари. Араб давлатининг пайдо бўлиши ва давлатчилик анъаналаридаги ўзгаришлар. Ривожланган ўрта асрларда Европада давлатчилик ривожи. Ривожланган ўрта асрларда Осиё мамлакатларида давлатчилик анъаналари. Ўрта асрларда давлатчилик масаласи ва дин тушунчасининг уйғунлашуви ва Буюк географик кашфиётлар

Янги давр давлатларининг пайдо бўлиши. Янги давр давлатларининг пайдо бўлиши. Янги даврда Европа, Америка, Осиё ҳамда Африка мамлакатларда давлатчилик анъаналари. Абсолют монархиянинг инқирози. Деспотик давлатлар. Миллий принциплар асосланган давлатнинг ташкил топиши. Миллий давлатларнинг турлари.

Хозирги замон давлатчилигининг асосий ютуқлари ва муаммолари. Хозирги замон давлатчилигининг асосий ютуқлари ва муаммолари. Глобаллашув даврида миллий давлатларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистоннинг давлатчилик анъаналари ва уни замонавий халқаро муносабатлар контексдаги ўрни.

3.4. Халқаро муносабатлар тарихининг долзарб масалалари

Қадимги Шарқда халқаро муносабатлар ва дипломатия. Қадимги Мисрда халқаро муносабатлар ва дипломатия. Қадимги Месопотамияда халқаро муносабатлар ва дипломатия. Қадимги Хитойда халқаро муносабатлар ва дипломатия.

Қадимги Юнонистонда халқаро муносабатлар ва дипломатия. Афина полиси дипломатияси. Афина ва Спарта ўртасидаги дипломатик муносабатлар. Юнон-Македон империясининг ташки сиёсати. Эллин давлатлари дипломатияси.

Халқаро муносабатларнинг асосий масалалари. Дипломатиянинг моҳияти. Дипломатия ва ташқи сиёсат. Дипломатияда Статус куо тушунчаси. Ташқи ишлар вазирлиги бошқаруви тизими.

Спарта ва Афина ўртасидаги рақобат. “Анталкид” сулҳи. Қадимги Спарта дипломатияси. Афина ва Спарта полислари ўртасидаги дипломатик муносабатлар. Полислар ўртасидаги рақобат дипломатияси.

Коринф конгресси. Александр Македонскийнинг юришлари. Македониянинг юксалиши. Афина ва Македониянинг дипломатик муносабатлари. Александр Македонскийнинг ташқи сиёсати. Эллинизм.

Византия ва “варварлар” давлатлари. Византияда халқаро ва дипломатик алоқалар шакллари. XIX асрнинг охирги чорагида халқаро муносабатлар ва дипломатия. Россия-Туркия уруши (1877-78 йй.) ва Берлин конгресси. Потсдам конференциялари. БМТ-нинг ташкил этилиши. “Совуқ урушнинг” бошланиши. НАТО ва Варшава шартномаси ташкилоти.

IV. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсни кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўтказадилар. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хулосалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва қўнималарини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;

- ўқув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;

- талабалар ўртасида миллый мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва қўнималарини назорат қилишни ташкил этиш ва илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

- олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

мустақил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 792-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сонли Қарори.

III. Maxsus адабиётлар

21. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series A: Ancient. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 871 p.

22. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

23. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

24. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.

25. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.

26. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.

27. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.

28. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.

29. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.

30. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Asia. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1241 p.

31. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Africa. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 903 p.

32. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
33. Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
34. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
35. Grant E. A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
36. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
37. H.Q. Mitchell, Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
38. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
39. Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
40. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
41. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>
42. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017. – p. 193.
43. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
44. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).
45. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
46. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
47. Thorndike L. A. History of magic and experimental Science. – New York: Columbia University Press, 2019. – 835 p. (Reprint).
48. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).
49. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
50. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.
51. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
52. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.

53. Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
54. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
55. Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. / А.Холлиев таҳрири остида. – Тошкент: Университет, 2010.
56. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
57. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1918 – 1945 гг. / под ред. Н.А.Родригес. – Москва, 2014.
58. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
59. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
60. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
61. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараённида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
62. Йегер О. Всемирной истории. Том 1. Древний мир. – М.: Directmedia, 2020. – 1044 с.
63. Йегер О. Всемирной истории. Том 2. Средние века. – М.: Directmedia, 2020. – 905 с.
64. Йегер О. Всемирной истории. Том 3. Новая история. – М.: Directmedia, 2020. – 809 с.
65. Йегер О. Всемирной истории. Том 4. Новейшая история. – М.: Directmedia, 2020. – 878 с.
66. Казакова В.Н. История средних веков. – Москва: Litres, 2018.
67. Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
68. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
69. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
70. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
71. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
72. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
73. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
74. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юргларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.

75. Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres, 2020. – 384 с.

76. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

IV. Интернет сайты

77. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.

78. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

79. www.Ziyonet.Uz

80. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

81. <https://www.ucl.ac.uk/ioe/courses/graduate-taught/mathematics-education-ma>

82. <https://www.onlinestudies.com/Courses/Mathematics/Europe/>

83. <https://online-learning.harvard.edu/catalog?keywords=mathematics&op=Search>

84. <https://www.msu.ru/en/projects/proekt-vernadskiy/news/math-teachers-advanced-training.html>

85. <https://english.spbu.ru/education/graduate/master-in-english/90-program-master/2455-advanced-mathematics>

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош илмий-методик маркази
Директор _____ Т.Т.Шоймардонов
“_____” 2020 й.
М.Ҷ.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришни ташкил этиш ҳамда
мувофиқлаштириш бошқармаси
Бошқарма бошлиғи _____ Ф.Т.Эсанбобоев
“_____” 2020 й.

М.Ҷ.

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
Ректор _____ А.Р.Марахимов
“_____” 2020 й.
М.Ҷ.

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги
педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тармоқ
(минтақавий) маркази
Директор _____ И.Х.Хамиджонов
“_____” 2020 й.
М.Ҷ.